

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4525-сонли Қарори. lex.uz
7. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. 2017-2020 йй. Статистик тўплам. –Т.: ДСҚ, 2021 йил 190 бет.
8. Шамхалов Ф. Роль предпринимателя в рыночной экономической системе. М.: Маркетинг. 2017. №3. с. 95
9. Макконелл К., Брю С. Экономикс. Принципы, проблемы и политика (1). М.: Республика, 1992, с. 38
10. Абалкин Л.И. Заметки о российском предпринимательстве. М.: Прогресс-Академия, 1994, с.12
11. Абдулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Иқт. фан. док. дисс. автореф. Тошкент, 2005, 27-б.



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a31

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бегматова Шахноза Адхамовна -
Ал-Бухорий университети “Иқтисодиёт
ва туризм” кафедраси катта ўқитувчиси
Абдуллаева Мадина Камилловна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Фундаментал иқтисодиёт кафедраси доценти и.ф.н.

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг назарий услубий асосларини ўрганиш натижалари ёритилган ҳамда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришга доир тизимли ислохотлар самарадорлиги қиёсий таҳлил этилган. Таҳлиллар натижасида Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишларини шакллантиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: инновациялар, инновацион тадбиркорлик, инновацион фаолият, инновацион ривожланиш, инновацион маҳсулот, интенсив иқтисодий ўсиш.

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Бегматова Шахноза Адхамовна -
Университет Аль-Бухари Старший преподаватель
кафедры "экономика и туризм"
Абдуллаева Мадина Камилловна -
к.э.н., доцент кафедры Фундаментальная экономика
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В статье описаны результаты исследования теоретико-методологических основ инновационного развития предпринимательства и сравнительного анализа эффективности системных реформ в сфере инновационного развития предпринимательства в нашей стране. В результате анализа сформированы научные предложения и практические рекомендации по формированию инновационных направлений развития бизнеса в Узбекистане.

Ключевые слова: инновации, инновационное предпринимательство, инновационная деятельность, инновационное развитие, инновационный продукт, интенсивный экономический рост.

DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ENTREPRENEURIAL ACTIVITY IN UZBEKISTAN

Begmatova Shaxnoza Adxamovna -
Al-Bukhari University Senior lecturer of the
Department "economics and tourism"
Abdullayeva Madina Kamilovna -
Candidate of Economics, Associate Professor of the Department of
Fundamental Economics of Tashkent State University of Economics

Annotation. The article describes the results of the study of the theoretical and methodological bases of innovative development of entrepreneurship and a comparative analysis of the effectiveness of systemic reforms in the field of innovative development of entrepreneurship in our country. As a result of the analysis, scientific proposals and practical recommendations for the formation of innovative directions of business development in Uzbekistan have been formed.

Key words: innovation, innovation entrepreneurship, innovation activity, innovation development, innovation product, intensive economic growth.

Кириш. Сўнги ўн йилликларда, айниқса 2020 йилда бошланган глобал пандемия инқирозидан сўнг, инновацияларга асосланган тадбиркорлик иқтисодий ривожланиш, инклюзив жамият, фаровонлик ва инновациялар яратишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Инновациялар сонини кўпайиши бевосита илмий тадқиқотлар ва тадбиркорлик фаолияти комбинацияси билан ўзаро боғлиқ равишда содир бўлади. Шу боис, инновациялар тадбиркорликнинг ёрқин ғояларни ишлаб чиқарадиган "Олтин таркибий қисми" ҳисобланади. Инновациялар, сифат жиҳатидан янги бозорларни шакллантиришга, ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондиришга ҳисса қўшишга имкон берадиган тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришга асос яратади ҳамда тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таъминлашга ва унинг тузилмавий таркибини такомиллаштиришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг инновациялар соҳасида етакчи корхоналар таҳлили инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар мавжудлигини кўрсатади:

- тадбиркорлик субъектларига бозорда ўз ўрнини эгаллаш ва улар томонидан яратилган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни тасарруф этиш имконини берувчи меъёрларнинг йўқлиги билан боғлиқ бўлган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш муаммолари;

- илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли натижаларига иқтисодиётнинг реал сектори томонидан талабнинг йўқлиги, инновацион маҳсулотлар бозорининг ривожланмаганлиги;

- илғор технологияларни тезкор ривожлантириш учун малакали кадрлар етишмаслиги;

- инновацияларни синаш учун юқори технологияли саноатнинг мавжуд эмаслиги;

- рискларни молиялаштириш фондларининг ривожланмаганлиги;

- илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва саноат корхоналари ўртасидаги алоқанинг заифлиги;

- инновацион тадбиркорликнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- аҳолининг инновацион маданиятининг меъёрларларга жавоб бермаслиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий элементлари мувофиқлиги таъминлаш, инновацион ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли таъсир кўрсатиш механизмлари самарадорлигини оширишга заруриятнинг юзага келиши мазкур йўналишда тадқиқот жараёнларини амалга ошириш жараё-

нини долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар шарҳи. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш шарт-шароитлари ва омилларини тадқиқ этишга йўналтирилган қатор илмий изланишларда инновацион фаолиятга устуворлик бериш билан боғлиқ илмий ҳулосалар муҳим аҳамиятга эга. Инновациялар ва улар борасидаги тадқиқотлар турли давр олимлари назарий қарашларида турлича ифодаланиб келган. Махсус адабиётларда тадбиркорлик янги иш ўринлари яратишдаги таъсиридан ташқари, инновациялар, иқтисодий ўсиш ва фаровонликни оширишда муҳим роль ўйнаши эътироф этилган. Инновациялар назариясини ишлаб чиқишда яъни технологик босқичларнинг эволюцияси билан боғлиқ муаммоларни биринчи марта рус олими Н.Д.Кондратьев[1] ўзининг узун тўлқинлар назариясида илгари сурган. Унинг фикрларини кейинчалик австриялик олим Й.А.Шумпетер[2] ривожлантирган. "Инновациялар отаси "Godfather of innovation" номи билан шуҳрат қозонган XX асрнинг биринчи ярми иқтисодчиси Шумпетер (1883-1950) илк бора инновацияларга техник тараққиётга эришишнинг асосий қуроли сифатида қараб уларни корхоналар учун юқори фойда келтиришнинг ягона ва зарур воситаси эканлигини ўзининг кўп сонли тадқиқотларидан келиб чиқиб асослаб берди. Шумпетернинг машҳур "Ижодий вайронагарчилик" аргументига кўра, тадбиркор ўзини ўзи жорий қилганида, янги маҳсулот ёки технологик инновацияни бозорга чиқарса, у паст маҳсулдор фирмаларни бозордан чиқариб юборади ва шунинг учун юқори маҳсулдорликка ва иқтисодий ўсишга олиб келадиган рақобат муҳитини яратади (Шумпетер, 1934).

Ғарб олимларидан дастлаб К.Фримен[3], П.Друкер[4], Б. Лундвалл, Р. Нельсон К.Ясперс, Б.Санто, Р.Форестер, М.Хайдеггерлар ўз асарларида иқтисодий тараққиётда инновацияларнинг муҳим куч эканлигини айтиб ўтганлар. МДХ ва рус тадқиқотчиларидан А.Бусигин, Ю.Швецов, Л.П.Гончаренко, В.А.Быков, Е.Г.Кирсанова, Е.В.Головацкий, В.А.Лопатин, Ю.В.Яковец, К.Н. Назина, И.В. Бестужева-Лады сингари олимларнинг нашрлари соҳа жадаллашувида муҳим туртки бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Х.Айбешовлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланишининг бошқарув тамойилларига эътибор қаратадилар. Бошқарув тамойилларида асосий устуворлик инновацион жараёнларга асосланган маҳсулотлар ассортименти, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг стратегик имкониятлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш режасига боғлиқ-

лиги қайд этилади[5]. Ш.Д.Эргашходжаева тадқиқотларида тадбиркорлик фаолиятида инновацион маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий ривожланиш босқичлари, шакллари, турлари ҳамда уни корхоналар фаолиятига тадбиқ этиш йўллари ва усуллари асосий эътибор қаратади[6]. Қ.Б.Шарипов ўзининг илмий тадқиқотларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тармоқ жиҳатидан ихтисослашув жараёнларининг самарадорлигини ошириш инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш имкониятларини кенгайтиришни талаб этишини таъкидлайди[7]. М.П.Эшов ўзининг илмий тадқиқот жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми ва рағбатлантириш йўллари инновацион ривожланишнинг асосий омили сифатида ўрганади[8]. Т.Т.Жўраев, Р.А.Каландаров тадқиқотларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантиришни стратегик жараёнларига устуворлик берилади[9]. Ш.Ш.Болтаев, А.А.Рахматов ўзларининг илмий тадқиқотларида тадбиркорликни инновацион ривожлантиришнинг объектив зарурияти, тадбиркорликни инновацион ривожлантиришда қулай бизнес муҳити, маркетинг ва клсатерларнинг ўрни ва аҳамиятини ёритиб беради[10].

О.А.Арипов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланишини худудий миқёсдан келиб чиққан ҳолда яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирларни қўллаш заруриятини қайд этади [11].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишларини шакллантириш жараёни мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув методларидан фойдаланилган ҳолда тадқиқ этилган. Индукция ва дедукция, статистик ҳамда қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилиб тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш шарт-шароитлари ва имкониятлари асослаб берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Инновацион тадбиркорлик – ғоя ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали янги товар ва технологиялар яратиш жараёни ҳисобланади. Одатда, тадбиркорлик фаолияти замирида янги эҳтиёжларни қондиришга имкон берувчи, янги бозорни барпо этиш, маҳсулот ёки хизматлар соҳасига янгилик киритишдир. Инновациялар – тадбиркорликнинг махсус қуроли бўлиб, бунда инновациялар ўз ҳолича эмас, балки янгиликларни йўналтирилган ташкилий излаш, уларга тадбиркорлик таркибларининг мунтазам қаратилганлигидир. Тадбиркорлар фикрлашнинг инновацион турини фарқлайди, инновацион

фаолият эса ўзида тадбиркорликнинг алоҳида қуролини акс эттиради.

Иқтисодий адабиётларни таҳлили анъанавий ва инновацион тадбиркорлар ўртасидаги асосий фарқларни тизимлаштиришга ёрдам бериши. Инновацион тадбиркорлик имкониятлар, тадқиқот, билим ва технологияларга асосланади ҳамда экотизим, яъни технология ва билимларни узатишни осонлаштирадиган тармоқлар, кластерлар, малакали ишчи кучи мавжудлиги билан анъанавий тадбиркорликдан фарқланади. Инновацион тадбиркорлик хўжалик юриштиришнинг алоҳида ижодкорлик жараёни бўлиб, унинг асосида янги имкониятларни мунтазам излаш, инновацияга йўналтирилганлик, турлитуман манбалардан доимий масалаларни ҳал этиш учун ресурслар излашни уйдлаш ва улардан фойдаланиш демакдир. У тадбиркорнинг мавжуд лойиҳани яхшилаш ёки янгисини тадбиқ этиш билан боғлиқ барча таваккалчиликни ўз зиммасига кўнгилли равишда олишга тайёрлиги, моддий даромад олиб келадиган жараён учун молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликни ўзига олиши ва бундан ўзи ҳам қониқш ҳосил қилиши билан тавсифланади.

Инновацияларни жорий этиш тадбиркорларга махсулдорликни ошириш, янада рақобатбардош бўлиш, бренд қийматини яратиш, янги ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва пировардида рентабелликни оширишга ёрдам беради. Инновацияларни амалга ошира олмаган корхоналар рақобатчиларга бозор улушини йўқотиш, махсулдорлик ва самарадорликнинг пасайиши, маржалар ва фойданинг доимий равишда қисқариш жараёнини бошдан кечириш каби хавфларга дуч келишлари мумкин.

Инновацион тадбиркорликнинг ривожланиш зарурати қуйидаги омиллар билан шартланади:

- иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида инновацияларни қўллашга кўмаклашувчи ишлаб чиқаришнинг интенсив омили ролини ошириш;

- ишлаб чиқиш самарадорлигини кўтаришда фаннинг муҳим роли ва янги техникани жорий этиш;

- яратиш муддатларини сезиларли қисқартириш зарурати, янги техникани ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини кўтариш, ихтирочи ва рационализаторлар ижодини оммавий ривожлантириш зарурати;

- натижаларнинг ноаниқлиги, тадқиқотларнинг кўпвариантлиги, таваккалчиликнинг мавжудлиги ва салбий натижаларга эришиш мумкинлиги билан ифодаланувчи илмий-техникавий ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хослиги;

– сарф-харажат ортиши ва янги маҳсулотни ўзлаштиришда корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайишида;

– техника ва технологиянинг шиддатли маънавий эскиришида;

– янги техника ва технологияни тезкор татбиқ этишнинг объектив зарурати билан ва ҳ.к.

1-жадвалда инновацион тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар келтирилган.


1-жадвал

Инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи омиллар

Омиллар гуруҳи	Омиллар
Иқтисодий, технологик	Молиявий, моддий-техника воситалари захираси, илғор технологиялар; зарур хўжалик ва илмий-техник инфратузилма, инновацион фаолиятни молиялаштирувчи давлат дастури; инновацион фаолият учун моддий рағбатлантириш; инновацияларни татбиқ этиш ва кўпайтиришнинг мақсадга мувофиқлигини экспериментал текшируви, тадбиркорлик таваккалчилигини камайитириш учун янгиликнинг рақобатбардошлигини текшириш
Спёсий, ҳуқуқий	Инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи қонунчилик чоралари, инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши
Бошқарув-ташқилот	Ташкилий таркибларнинг эгилувчанлиги, бошқарувнинг демократик услуби, ахборотнинг горизонтал йўналиши, устуворлиги ўз-ўзини режалаштириш, тузатишлар киритиш, номарказлаштириш, автономия, муаммоли, мақсадли гуруҳларни шакллантириш, реинжиниринг
Ижтимоий-психологик ва маданий	Маънавий рағбатлантириш, жамоатчиликда тан олинис, ўз-ўзини намоён этиш имкониятини таъминлаш, ижодий меҳнат эркинлиги. Меҳнат жамоасида меъёрий руҳий муҳит

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнларига берилётган юқори даражадаги эътибор, мазкур фаолият турининг иқтисодий фаолият соҳаларидаги улушини ортиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2015-2020 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таҳлил натижаларига мувофиқ, ЯИМнинг ўртача 60 фоизи ушбу фаолият тури ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, 2015-2017

йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат соҳасидаги улушини ўртача 42 фоиз, 2018-2020 йилларда эса ушбу кўрсаткичнинг ўртача миқдори 30 фоизни қайд этган (1-расм). Ушбу ҳолатни 2018-2020 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг саноат соҳасига йўналтирилган хорижий инвестицияларни йирик саноат тармоқлари фаолиятини ўзлаштиришдаги ўрни орқали изоҳлаш мумкин.




1-расм. 2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (фоизда) [12]

2020 йилда Ўзбекистон Республикасида инновациялар жорий қилган ташкилотлар ва инновацияларнинг энг кўп сони Тошкент шаҳрида, энг кам сони эса Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида тўғри келмоқда. 2020-йил якуни бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида янги инновацион турдаги маҳсулотлар улуши Германияда 69,7%, Буюк Британияда 43,7%, Норвегияда 41%ни ташкил этган[13].

Ўзбекистон саноатининг бир қатор тармоқларида янги инновацион турдаги тайёр маҳсулотларнинг яратилиши ва ишлаб чиқарилаётган товарлар номенклатурасининг кенгайтири-

лиши натижасида саноатни диверсификациялаш даражаси ўсди.

Масалан, 2010 – 2020 - йиллар давомида тармоқнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмида янги инновацион турдаги маҳсулотларнинг улуши: энгил саноатда 0,02 %дан 2,2 % га; озиқ - овқат саноатида 0,6%дан 2,5 %га; кимё ва нефт - кимё саноатида 1,7 %дан 7,5 %га; металлургияда 0,1%дан 6,8%га ўсган[14]. Шу туфайли, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида янги инновацион турдаги маҳсулотлар улуши 2010 йилдаги 1,5 %дан 2020 йилда 10,2 %гача ўсган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 138,9 % ни ташкил етган [14].




2-расм. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида янги инновацион турдаги маҳсулотлар улуши (2020-йил) [14]

Ўзбекистон Республикасини инновацион иқтисодиётга ўтиши мамлакат ЯИМда инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажми ни ҳамда унда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар сонининг ўсишига олиб келмоқда. Масалан, инновацион маҳсулотлар ҳажми 2010-йилда 1325 млрд сўмдан 2021 йилга келиб 21746 млрд сўмга ортган[15]. Шунга мос равишда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони республикамизда 2010 йилда 289 тадан 2021 йилга келиб 8,5 баробарга кўпайиб 2456 тага етган. Жумладан, биринчи марта инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналар сони 1007 тага кўпайган [15].

Анъанавий манбалардаги (давлат ва бизнес) ИТТКИ харажатларининг ҳажми ва таркиби ривожланаётган мамлакатлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Ўзбекистон анъанавий

соҳалар ҳисобидан ЯИМни кўпайтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси компаниялари юқори технологияли экспортчилар эмас. Ўзбекистон юқори технологияли ва тадқиқотталаб маҳсулотлар бўйича салбий савдо балансини намойиш этмоқда, юқори технологияли импортнинг улуши эса ошмоқда.

Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2018 йилда 0,21 %ни, 2019 йилда 0,28 %ни, 2020 йилда 0,36 % ни ташкил этди[15]. Келгуси йилларда ҳам Ўзбекистонда инновацион фаолиятда давлат асосий молиялаштирувчи сифатида намён бўлиши ва бунда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улушини 2021 йилда 0,56 %, 2022 йилда 0,8 %га етишини таъминлаб бериши кутилмоқда[15].



3-расм. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улуши [15]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг потенциал ва мавжуд шарт-шароитлардан максимал фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда республика иқтисодиётида ушбу фаолият йўналишига алоҳида устуворлик берилмоқда. Хусусан бу борада давлат томонидан устуворлик берилаётган пул-кредит ва бюджет солиқ сиёсатидаги имтиёзлар билан бирга, инвесторлар ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчиларини қидириб топиш ишларини, жумладан, инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш орқали ташкил этиш тизимига устуворлик берилишини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ [16].

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда инсонлар тадбиркор бўлишга идрок этилган бизнес имкониятлари ёки ўзини-ўзи такомиллаштириш мотивацияси сабаб бўлади. Ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатларда тадбиркорлар, асосан, эҳтиёжга асосланган шахслар бўлиб, ўз-ўзини иш билан таъминлашдан бошқа иш имкониятига эга эмас. Бироқ, бўшлиқ инновацион тадбиркорлик ёндашувининг назарий доирасидаги чекловлар ва унинг миллий даражада таъсирини ўлчаш билан белгиланади. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлар кўпроқ Шумпетер типига эга бўлса, ривожланаётган мамлакатларда уларнинг аксарияти дўкдорлардир.

ЯИМ кўрсаткичи ва инновацион кўрсаткичлари юқори бўлган мамлакатларда инновацион тадбиркорлар кўпроқ бўлади. Бундан ташқари, инновациялар ва тадбиркорлик сиёсатида яхлит ёндашув зарур. Сиёсат ва институтсионал муҳит инновацион хулқ-атворнинг муҳим ҳал қилувчи омилдир. Бу шунингдек, ҳукумат томонидан илгари сурилаётган сиёсат жозибадор тадбиркорлик ва инновацион муҳитни яратишда самаралироқ эканлигини кўрсатади. Умуман

олганда, сиёсат мавжуд ва янги ривожланаётган фирмалар ўртасида инновацион фаолиқни оширишга қаратилган бўлиши керак. Бу эса, миқдорга асосланган сиёсатдан кўра кўпроқ самарадорликка йўналтирилган тадбиркорлик ва инновация сиёсати тўғри келади, деган фикрни уйғотади.

Фикримизча, мамлакатимизда аҳолининг бизнесни яратишга мойиллигини (муваффақиятсизликдан қўрқиш, мотивация ва қобилияти) оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Бизнес-таълимни ривожлантириш (университетлардаги йўналишларнинг сонини кўпайтириш, ёш тадбиркорлар учун курслар, тажрибали тадбиркорлар учун бошқарув курслари);
- Юқори технологияли ва инновацион корхоналарни қўллаб - қувватлаш;
- Кўк учун имтиёзли шартлар билан ғояларни синаб кўриш учун платформалар тизimini яратиш: бизнес-инкубаторлар, карьера марказлари, коворкинг, технопарклар.

Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишлари шакллантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятида инновацияларни тижоратлаштиришга йўналтирилган инвестициялар оқимини шакллантириш;
- тадбиркорлик субъектларининг инновацияларга максимал даражада таъсирчанлигини таъминлайдиган шароитларни (солиқ режими, божхона сиёсати, шу жумладан қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирларни) яратиш;
- тадбиркорлик фаолиятининг инновацион циклидаги мавжуд камчиликларни баргараф этишга йўналтирилган амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш;
- илғор технологияларни тижоратлаштириш соҳасидаги мавжуд вазиятни тубдан ўзгар-

тириш заруриятини шакллантиришга таъсир лиятини шакллантириш ва бошқалар.
кўрсатувчи инновацион инфратузилмалар фао-

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кондратьев Н. Д., Опарин Д. И. Большие циклы конъюнктуры: Доклады и их обсуждение в Институте экономики. 1-е изд. - М., 1928. — 287 с.
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: - Прогресс, 1982. .386 с.
3. Freeman.C. (1995), "The National System of Innovation in Historical Perspective", Cambridge Journal of Economics, No. 19, pp. 5-24
4. Drucker.P.F 2007,Management: tasks, responsibilities, practices, //Transaction Publishers, New Brunswick,N.J.; London.
5. Абдуллаев А, Муфтайдинов Қ, Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. Дарслик. -Т., «Молия» нашриёти, 2003 йил. 192 б.
6. Эргашходжаева Ш.Д. Инновацион маркетинг. Дарслик.-Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014. -178 бет.
7. Шарипов Қ.Б. Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: "АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ" нашриёти, 2020. 61 б
8. Эшов М.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлари. Монография.Т, 2017. 80 б.
9. Жўраев Т.Т, Каландаров Р.А. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг реал секторини инновацион тараққиётини таъминлаш. Илмий-оммабоп рисола. - Т., 2019 йил., 52 б
10. Болтаев Ш.Ш, Рахматов А.А. Тадбиркорликни инновацион ривожлан-тиришининг айрим жиҳатлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2019 йил
11. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлан-тириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратиш. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил.
12. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.
13. <http://www.worldbank.org> – (Жаҳон Банки).
14. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. –Т. 2021.-Б. 69.
15. <http://www.mininnovation.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги).
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги "Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-3697-сонли Қарори.



**ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Шовкатов Нодиржон Нематжон ўғли -
ТДИУ, таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a32

Аннотация: Замонавий дунёда корхона қиймати ва баҳолаш атамалари катта аҳамиятга эга. Тижорат битимини амалга ошириш вақтида корхонанинг нархини келишишда корхонанинг қанчалик қимматга тушиши тўғрисидаги маълумотлар ушбу корхона эгаси учун ҳам, инвесторлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мақолада бизнес қийматини баҳолашнинг иқтисодий моҳияти, баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган тамойиллари ва баҳолаш мақсадлари ёритиб берилган. Ўзбекистонда баҳолаш фаолиятини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишдаб чиқилган.

Таянч сўзлар: бизнес қийматини баҳолаш, мулкый мажмуа, бозор қиймати, баҳолаш тамойиллари, баҳолаш ёндашувлари, профессионал баҳоловчи.

**ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ И ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ ОЦЕНКИ
СТОИМОСТИ БИЗНЕСА В УЗБЕКИСТАНЕ**

Шовкатов Нодиржон Нематжон ўғли -
ТГЭУ, базовый докторант

Аннотация: В современном мире стоимость и оценка предприятия имеют большое значение. Информация о том, во сколько обойдется предприятие при согласовании цены предприятия во время заключения коммерческой сделки, важна как для собственника этой компании, так и для инвесторов. В статье описывается экономическое значение оценки бизнеса, принципы, используемые в процессе оценки, и цели оценки. Разработаны предложения и рекомендации по развитию оценочной деятельности в Узбекистане.

Ключевые слова: оценка стоимости бизнеса, имущественный комплекс, рыночная стоимость, принципы оценки, подходы к оценке, профессиональный оценщик.